

PSIXOLOGIK TEST

DIQQATINGIZNI QARATING

QALBINGIZ TUBIDA ASLIDA KIMSIZ?

Мазкур тест ёрдамида сиз онгингизнинг энг яширин қисмларига назар ташлаш имкониятига эга бўласиз. Мутахассисларнинг фикрига кўра тест натижаларининг ишончлилиги 98% ни ташкил этиб, унинг ёрдамида характерингиз тўғрисидаги аниқ маълумотга эга бўлишингиз мумкин.

Расмни кўриб чиқинг. Кўзning қайси тасвири
сизнинг диққатингизни ўзига тортди?




Характер тури: файласуф

Сиз- атрофдаги содир бўлаётган воқеаларда чукур маъно кўра оладиган инсонсиз. Сизга шошма-шошарлик бегонадир. Ҳар бир қадамингизни ақлан ўйлаб босасиз. Баъзида ўз хаёлларингизга шунчалик шўнғиб кетасизки, атрофдаги реал ҳаётни сезмай қоласиз.

Атрофдагилардан ўзингиздаги ишончсизликни яшириб юрасиз. Уларнинг фикрича, дунёда сиз ҳал эта олмайдиган масала йўқдек. Кўпчилик сиздан маслаҳат сўрайди.

Ҳаёtingиз анчадан бери еча олишга харакат қилаётган бошқотирмага ўҳшайди. Сиз атрофдаги нарсаларнинг асл моҳиятини тушунмагунча тинчлана олмайсиз.



Характер тури: эксцентрик

Сиз оқимга қарши сузишга қўрқмайдиган инсонлар тоифасига мансубсиз. Ҳаётга бўлган қарашларингиз ўзгачадир. Атрофдаги инсонларга сизнинг дунёқарашингиз ғалати туюлади, лекин сиз уларнинг фикрига ҳеч қачон эътибор бермайсиз. Сиз ҳеч қачон қоидаларга риоя этмайсиз.

Атрофдагилардан ҳеч нарсани яширмайсиз. Чунки уларнинг фикри сизни қизиқтиrmайди. Одамлар сиз тўғрингизда нима дейишса ҳам парво қилмайсиз ва ҳеч қачон улар тўғрисида ўйламайсиз. Сиз ҳаётда қувонч билан олға босасиз, майда-чуйда нарсаларга, ҳаммага маъқул бўлган қонун-қоидаларга ва жамоатчилик фикрига чалғимайсиз.



Характер тури: топишмок

Бу характер тури қарама-қаршиликтарга тұлалиги билан ажралиб туради. Сизни тушуниш коинот сирларини фош этиш билан баробардир. Сиз доимо ўзингизни англаш түйғуси билан яшайсиз. Характерингизни қайсиdir жиҳати сизга маълум бўлиши биланоқ ўзгариб қоласиз ва ҳаммаси бошидан бошланади.

Атрофдагилар учун сиз тушунарсиз ва сирли кўринасиз. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки сиз ўзингиз ҳам характерингизга тушуна олмайсиз. Щунга қарамай одамлар сиз томон интиладилар. Улар ёнингизда бўлишга қизиқадилар. Сиз нотаниш инсон билан гап бошлашдан аввал уни синчиклаб кузатасиз. Лекин сизни тез-тез ўзгариб туришингизга ўрганиб қолган дўстларингиз ва танишларингизга меҳрибонлик билан мурожаат этасиз.



Характер тури: эксперт

Ёшингиз ва ҳаётий тажрибангиздан қатъий назар атрофдаги инсонлар сизда донолик ва ақлни кўрадилар. Сизда авваллари яшаб ўтган аждодларнинг рухи мужассам этгандек туюлади. Сиз бир марта қилинган ҳатони иккинчи бор такрорламайсиз. Кўпинча сизда атрофдаги воқеалардан қониқмаслик, барча нарса сиз истамаётган тарзда кечаётганидан тушкунлик пайдо бўлади.

Атрофдагилардан ўз кучингизга ишонмаслигингиизни яшириб юрасиз. Кўпчилик таниш ва дўстлар сизни жиддий, хотиржам ва вазмин киши деб ҳисоблашади. Фикрларингизга кўпчилик қулок тутади. Ҳар бир вазиятни тўғри таҳлил эта олиш қобилияти сизга ҳаётда мустахкам туришга ва қийинчиликларни енга олишга ёрдам беради.



Характер тури: олов

Сизнинг шиорингиз- ёки ҳамма нарса, ёки ҳеч нарса. Яримталикка чидай олмайсиз. Нафратдан мухаббатга тез ўтиб олишингиз мумкин. Кучли ва чукур туйғулар сизни ўт бўлиб ёнишингизга замин яратади. Туйғуларга берилувчанлик сизни кўпинча йўқ жойдан муаммо топишга мажбур этади.

Атрофдагилардан туйғулар уммонини яширишга харакат қиласиз, лекин кўпинча бунинг уддасидан чиқа олмайсиз. Одамлар сизни жizzаки ва урушқоқ деб ўйлашади. Лекин сизни яхши таниганлар эса қандай меҳрибон инсонлигингизни билишади.




Характер тури: романтик

Сизнинг қалбингиз ва юрагингиз атрофдагилар учун доимо очиқдир. Сиз тез севиб қоласиз ва осонгина дўст топа оласиз.

Атрофдагилар бу хусусиятингиздан фойдаланиб кўпинча қалбингизни яралайди. Лекин сиз бир умр қўрқувда ўтиргандан кўра, куйиб қолсангиз ҳам таваккал қилиб кўришни маъқул биладиган инсонлар тоифасидансиз.

Сиз атрофдагилардан тез жарохатланиб қоладиган қалбингизни яшириб яшайсиз. Улар сизни ҳаётда енгил қадам босадиган, омадсизлик ва азобланишдан кўрқмайдиган инсон деб ўйлашади. Сиз атрофдагиларга хамдардлик билдириб, уларнинг хасратини тинглаб ёрдам бериб келасиз. Уларга ёрдам бериб, ўзингизни ҳам қалб жарохатларингизни даволайсиз.



Характер түри: башоратчи

Хаётингизда бошқаларга қараганда тасодифларнинг кўплигини ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак.

Тушларингиз кўпинча ўнгидан келади, таҳминларингиз ҳақиқат бўлиб чиқади. Сиз кўп нарсани сезасиз ва ҳис этасиз. Сизга ўхшаган инсонлар кучли туйғуларга эгадир: уларни кулдириш ёки йиғлатиш осондир.

Атрофдагилар сиздан хавфсирайдилар. Сиз ҳам уларга кўп нарса билмаслигинизни айтиб ўтирмайсиз. Ички дунёингиз ниҳоятда мўрт бўлиб, юпқа иплардан тўқилган матога ўхшайди. Шунинг учун ҳам уни атрофдагилардан иложи борича сир тутасиз



Характер тури: тадбиркор

Ҳаёт ҳакида кўп нарсаларни биласиз. Сизда худди барометрга ўҳшаш ички туйғу бўлиб, яхши ва ёмонни тез ажратиб оласиз. Сиз ноҳақликни тезда илғаб оласиз, лекин фикрингиз жамоатчилик фикрига зид бўлса, уни ошкор этишга шошилмайсиз.

Атрофдагилардан ички кечинмаларни сир тутасиз. Улар учун сиз- хотиржам, жиддий ва доно инсон бўлиб, доим нима қилаётганини яхши биладигандек кўринасиз. Сиз хаммадан яхшироқ бўлишга интиласиз, кўпинча бу қўлингиздан келади.



Характер тури: донолик

Сиз инсонларни яхши фарқлай оласиз. Бошқа бир одамнинг кайфиятини ички туйғу орқали тез илғаб оласиз. Уларнинг ички дунёси сиз учун очиқ китобдек. Агар сизни алдашмоқчи ёки сиздан фойдаланишмоқчи бўлишса, буни дарров сезасиз. Худди шу усуллардан ўзингиз ҳам фойдаланишингиз мумкин, лекин ҳеч қачон бундай қилмайсиз.

Атрофдагилардан сир тутадиган ҳеч нарсангиз йўқ, аксинча улар тўғрисида кўп нарсаларни ўзингиз айтиб бера оласиз. Кўп нарсага осонликча эришасиз.



E'TIBORINGIZ UCHUN
RAHMAT